

## ЗАРДУШТИЙЛИК ҚАДРИЯТЛАРИДА ДИНИЙ БАЙРАМЛАР, МАРОСИМ ВА АНЪАНАЛАР ТАЛҚИНИ

**Сейтмуратов Нурланбек Аманбай ўғли**

*Бердақ номидаги ҚДУ, "Ижтимоий фанлар" кафедраси Ассистенти*

**Аннотация:** Мақолада Авеста қадриятларининг халқимизнинг миллий хусусиятларини тасдиқловчи тарихий мерос эканлиги ҳақида сўз юритилади. Жумладан, муаллиф Авестада баён этилган ғоялар ота-боболаримизнинг қадимги тарихини, сиёсий ва кундалик ҳаётини, яшаш тарзини, диний ва жаҳон эътиқодларини, одат ва анъаналарини, фалсафий ва илмий тафаккурини, табиат ва жамият ҳақидаги билимларини ифода этганлигини таъкидлайди.

**Калит сўзлар:** *Авеста, зардуштийлик, урф-одат, анъана, маросим, ибодат, фалсафа, дин, ворисийлик.*

Зардуштийлар кўп асрлар давомида ўз урф-одат ва анъаналарини сақлаб келишга ҳаракат қилганлар. Бу фалсафий-диний таълимот минг йиллар қаридан ўзининг барҳаётлиги билан ўзининг издошларига эгадир. Марказий Осиё ўлкаларига ва хусусан кўпгина Шарқ давлатларида Ислом динининг тарқалиши ва зардуштийларнинг доимий таъқибга учраши натижасида улар ёпиқ жамоада яшаб, жамиятнинг олий, руҳонийлар табақаси зардуштийлик урф-одат ва русумларининг бажарилишини тўғрилигини қатъий кузатиб борган. Ушбу урф-одат ва анъаналар, ҳаётнинг қийин шароитларига қарамай, зардуштийларнинг ўзларини бир бутун тизим сифатида, ёвузлик устидан ғалаба қозониши мумкин бўлган одамларнинг ижтимоий гуруҳининг аъзоси эканлигини ҳис қилишга ёрдам берган. Муайян этник гуруҳнинг шаклланиши узоқ тарихий давр ичида амалга ошади; инсониятнинг териб-йиғиш давридан бошланиб, табиатни ўзлаштириш ва билиш ҳамда узоқ ва мураккаб тарихий ривожланишни талаб қилувчи мифология, дин, фалсафа, ахлоқ каби ижтимоий онг шаклларининг пайдо бўлиш ва шаклланиш даврида давом этади. Иккинчи томондан, инсоният цивилизациясининг тарихий эволюциясини турли этномаданий тизимларнинг ўзаро муносабати, ўзаро мулоқотсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган, бу ҳодиса доирасида ғайри оддий, мураккаб диффузион ва интеграция жараёнлари кечган. Мазкур жараёнлар, тил ва маданиятларнинг фарқ қилишига қарамасдан, этник гуруҳларнинг бирлашишига ёрдам берган. Бундан ташқари, биргаликда инсоннинг оламда тутган ўрнини мифологик, диний-фалсафий тарзда англаш жараёни кечган, бу жараён ҳар бир этник гуруҳнинг ривожланиш даражасига тегишли бўлган урф-одатлар, анъаналар ва маросимларида акс этган. Айнан турли этник гуруҳларнинг ва уларнинг олам

ва инсон ҳақидаги тасаввурларининг, анъана, одатлари ва маросимларининг аралашishi йўли билан олам ва инсон тўғрисида ягона тасаввур, умумий ва шу билан бирга ягона дунёқараш, дунёни ҳис этиш вужудга келган<sup>1</sup>.

Зардуштийларнинг диний тасаввурлари тизимлашган ижтимоий структурани ташкил этади. Унинг таркиби мураккаб иерархиядан иборат бўлиб, халқ эътиқодлари, магия ва демонология каби ўзига хос таркибларни акс эттиради. Масалан, девлар (жинлар) олдидаги қўрқинч авлоддан-авлодга ўтиб келган; ва уларни енгиш учун зардуштийлар махсус ибодатларни ўқишган, ўзларини ва ўз оила аъзоларини девлардан, бахтсизлик ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун аجدодларига тегишли бўлган туморларни тақиб юришган.

Зардуштийликда “тоза” ва “ифлос” предметлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, ўсимликлар ва ҳатто одамлар ҳам таснифлаштирилган. Г.Маҳмудова таъкидлаганидек: ““Видевдод”да покланишнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда нима ва ким покланиши, қаерда ва қандай тарзда поклаш лозимлиги, покланишнинг қоидалари батафсил келтирилган, тўғри поклаш эвази ва таомилни бузганлик учун жазо чоралари кўрсатилган. Таъкидлаб ўтиш керакки, Авестада нарсани тозалаш, жисмоний поклаш - “тоза”, “ифлос бўлмаганлик” ҳақидагина эмас, балки барча ҳолларда сакрал маъно касб этадиган, диний маросимларга хос, маънавий-ахлоқий покланиш тўғрисида сўз юритилади”<sup>2</sup>.

Зардуштийлик диний-фалсафий таълимотларига кўра, “тоза” нарсаларга одамлар, ҳайвонлар (айниқса, итлар, типратиканлар, сигирлар, қўйлар), ўсимликлар киради. Туғилган кунидан то ўлгунларига қадар зардуштийлар покланиш маросимини ўтказиб, мутлақ покликка риоя қилишлари керак. “Ифлос” нарсаларга тегиш гуноҳга тенглаштирилган. Олов, сув, ва ер зардуштийлар томонидан алоҳида ҳурмат қилинган. Қўлларни ювмасдан тўриб сув қуйиш, ёмғирда ташқарига чиқиш ман этилган, чунки у ер ва сувни ифлослантиришни англатарди. Гўшт емоқ ҳам ман қилинган, агар олдин ундан қони олиб ташланмаган бўлса. Мутлақ покликка риоя қилишнинг қатъий қоидалари овқат пайтида зардуштийларнинг бошқа дин вакиллари ҳузурда тановул қилишига йўл қўймаган. Бошқа дин вакиллари ҳузурда зардуштийлар ҳеч қачон ҳовузда чўмилишмаган. Ахлатни ёқиш тақиқланган, чунки зардуштийлар учун олов ҳар доим муқаддас эди. Уй ўчоғида олов ҳосил қилиш учун қуруқ, тоза ёғоч ишлатилган; овқат пиширганда бирорта томчи сув оловга тушмаслиги керак бўлган.

<sup>1</sup> Г.Маҳмудова. Авестонинг фалсафий моҳияти. Тошкент, “NOSHIR”, 2015, 226-бет.

<sup>2</sup> Г.Маҳмудова. Авестонинг фалсафий моҳияти. Тошкент, “NOSHIR”, 2015, 178-бет.

Ҳар бир уйда ахлат ва ифлос нарсалар учун махсус хона ажратилган; хона маълум даражада тўлдирилгандан сўнг, унга махсус тайёрланган эритма қуйилиб, ахлат махсус тарнов орқали ерга оқизилган.

Инициация ёки конфирмация маросимлари амалга оширилган – ўсмирларни зардуштийлик дини билан таништирган.

Инициация эркак ва аёл зардуштийлар бутун ҳаёти давомида олиб юриши шарт бўлган муқаддас кушти белбоғини тақиш дастури билан боғлиқ эди. Эркаклар зардуштийлар учун муқаддас кўйлакни кийиб юришган. Кушти ҳам, кўйлак ҳам ўз жамоасининг эътиқоди билан муштараклик рамзи бўлиб, Авеста кўрсатмаларини амал қилишга тайёргарлик ва ўз Худоси Аҳура Маздага тўлиқ бўйсуннишни англатарди.

Кўпгина зардуштийлик маросимлари фасллар билан боғлиқ бўлиб, мавсумий бўлган. Қадимги зардуштийлик тақвимида кўра, улар диний салтанат ва байрамлар билан бирга амалга оширилган.

Зардуштийлик динида ҳар йили Аҳура Мазда шарафига етти, Амешаспента шарафига эса олти байрамни нишонлаш керак деб белгиланган. Зардуштийлик ривоятларига кўра, ушбу байрамларга пайғамбар Зардушт асос солган.

Наврўз қадим замонларда, ҳатто бугунги кунда ҳам зардуштийларнинг энг тантанали ва ҳурматли байрами ҳисобланган. Олтинчи гаҳанбар, ёки аждодлар руҳларини хотирлаш, Наврўздан беш кун олдин бошланади. Зардуштийлик тақвимида 360 кун бўлганлиги учун, янги йил бошланишидан олдинги қолган беш кун аждодлар руҳининг шарафига ибодат ўқишга бағишланган.

Зардуштийлар олтинчи гаҳанбарнинг сўнгги кунини ўзгача сабрсизлик билан кутадилар, одатга кўра янги куннинг келиши адолат ғалабаси ва янги ҳаётнинг бошланишини англатган.

Зардуштийлар анъанасига кўра, Наврўз Зардушт номи билан боғлиқ бўлишига қарамасдан, баъзи олимлар ушбу байрам қадим замонлардан бери маълум ва у гуллаш ва ҳосилдорликнинг рамзи бўлган деб ҳисоблашади. М.Бойс фикрига кўра, зардуштийлар мазкур маросимни қайта жонлантириб ва шунинг билан бирга Аша Вахишта ва оловни улуғлаган.

Наврўзни нишонлаш жуда тантанали ва маълум даражада сирли равишда ўтказилган. Байрам пайтида зардуштийлар ўзларининг энг яхши кийимларини кийиб, байрам дастурхонига тўпланишган. Унинг устига Авестадан дуолар тўплами қўйилган. Байрам дастурхони ҳар хил таомлар – кандакорлар, ширинликлар билан безатилган.

Ҳозирги даврда замонавий қорақалпоқ жамиятида 21-март куни яъни Наврўз байрами куни Наврўз гўжа таёрланади. Наврўз гўжа етти турли бошоқли экинлардан пиширилади. Наврўз гўжани ичкандан кейин ҳар бир

одам янги йилга ўтади, яъни иккинчи ёши бошланади<sup>3</sup>. Гўжани тайёрлашда фойдаланиладиган 7 турли бошоқли экинларга – жўхори, буғдой, арпа, тарик, гуруч, мош ва ловия кирган<sup>4</sup>.

Юқоридагилардан ташқари бугунги кун қорақалпоқларининг Наврўз дастурхонида *жўйери гўртик, быламық, қарма, сумалак, зағара, уйжан, қайын қақ, айран* ва бошқа озиқ-овқат ва таомларни учратиш мумкин.

Қадим замонларда шамлар Наврўз байрамини кутиб олишнинг шартли атрибути ҳисобланган. Улар муқаддас хотира рамзи деб қаралган.

Байрам уйда ва уйдан ташқарида давом этган. Олов покланиш рамзи ҳисоблангани учун кўчаларда саҳрода ўсадиган ўсимликларнинг тиканларидан гулханлар ёқилиб, ёшлар уларнинг устидан отлаган, ушбу ҳаракат “ифлослик”дан покланишни англатарди.

Авестада деҳқончилик билан шуғулланган 3000 мартаба ибодат қилишдан ва 100 жониворни суйиб қурбонлик қилишдан афзалроқ деб кўрсатилади. «Экин экиш – демак ердаги ёвузликни йўқ қилиш демакдир, чунки дон экилганда девларни тер босади, тегирмон пайдо бўлганда девлар саросимага тушади, ун чиққанда девлар ўзини йўқотиб қўяди, нон пайдо бўлганда эса девлар қўрққанларидан бор кучи билан бақира бошлайди»<sup>5</sup>.

Юқорида биз зардуштийлар учун умумий деб ҳисобланган диний байрамлар, маросим ва анъаналарни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Лекин ушбу ходисаларнинг баъзилари оилавий характерга эга бўлган. Масалан, уларга никоҳ жараёни киради. Умумий дастурга кўра, зардушт эркаклари одатда 25-30 ёшда, аёллар эса 14 ёшдан 19 ёшгача бўлган давр ичида турмуш қурганлар. Баъзида, 15 ёшли ўғил болалар эндигина 12 ёшга чиққан қизларга уйланишган; баъзида эса 60 ёшли бева кишилар 15 ёшли қизларни ўз никоҳига олганлар. Қариндошлик ёки дўстлик ришталари билан боғлиқ бўлган айрим оилалар болаларини икки ёшида никоҳдан ўтказишган.

Ушбу ҳолатга ўхшаш удум қадимги қорақалпоқларда ҳам учраган, лекин қорақалпоқлар ўз фарзандларини бешиқдан «кулоғини тишлатиб қўйган», яъни оташтириб никоҳлашган. Буни биз қорақалпоқ фольклорига кўришимиз мумкин. Аммо бу одат замонавий қорақалпоқ жамиятида дерлик учрамайди.

Лекин Г.Маҳмудова ҳақли таъкидлаганидек: “Зардуштийлик дунёда биринчи йирик метаэтник эътиқод бўлиб, унда Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари маънавий ҳаётининг аксарият қатламлари акс этган. Муайян ҳудудга тегишли аҳоли ҳамда турли этник гуруҳлар онгида культлар, урф-одатлар, анъаналар ва маросимларнинг ўрнашиши шунчалик мустаҳкам бўлган экан-ки, инсон маънавий конституциясининг кейинги даврларда ўзгариб боришига

<sup>3</sup> Қарақалпақстан XIX асирдин екинчи ярымынан XXI асирге шекем. Нөкис, Қарақалпақстан, 2003. – Б. 136.

<sup>4</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. Урганч, УрДУ ноширлик бўлими. 2018. – Б. 211.

<sup>5</sup> Якубов М., Абаев С. «Авесто» - улыўма инсаный қедирият. Нөкис, Қарақалпақстан, 2008. – Б. 22.

қарамасдан, мазкур этник гуруҳлар, халқлар онги ўзининг бирлаштирувчи синкретизмини сақлаб келади, шу билан бирга ушбу маънавий бойликка ўзгаришлар киритиб келган”<sup>6</sup>.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Г.Маҳмудова. Авестонинг фалсафий моҳияти. Тошкент, “NOSHIR”, 2015, 226-бет;
2. Қарақалпақстан XIX әсирдиң екинши ярымынан XXI әсирге шекем. Нөкис, Қарақалпақстан, 2003. – Б. 136;
3. Якубов М., Абаев С. «Авесто» - улыўма инсаный қәдирият. Нөкис, Қарақалпақстан, 2008. – Б. 22;
4. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонлиқдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. Урганч, УрДУ ноширлик бўлими. 2018. – Б. 255.



<sup>6</sup> Г.Маҳмудова. Авестонинг фалсафий моҳияти. Тошкент, “NOSHIR”, 2015, 227-бет.